



## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

***Ризаева Хусния Убаевна***

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогика ва  
психология кафедра ўқитувчиси п.ф.н. доцент в.б.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотида тарбиялаанувчиларида миллий қадриятлар асосида тарбиялашниң назарий асослари ҳақида тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим, тарбиячи, тарбияланувчи, миллий қадрият, урф-одат, тарбия, маҳорат, натижа, янгилик.

Замонанинг долзарб муаммоларидан асосийси-бу бола тарбияси, ўсиб келаётган ёш авлод, ёинки оиланинг келажаги боълмиш фарзанд масаласидир. Давр ва замонлар оътиб бораверар экан – давр талаблари, имкониятлари даврга қараб оъзгаришларга юз тутиб боришда давом этаверади. Фуқаролик жамиятини қуриш учун, энг аввало, фуқароларнинг юқори даражадаги инсонийлик фазилатлари-ҳалоллик, ростгўйлик, одобилик муҳим касб этади.

Бизга маълумки, ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади. Ана шу сабабдан ҳам отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илм-у маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ҳамда миллат равнациининг энг асосий шарти ва гарови деб билганлар. Мактабгача таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-кувватлашини талаб қиласиган умуммиллий масаладир. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт–ё мамот, ё нажот–ё ҳалокат, ё саодат–ё фалокат масаласидир» деган чукур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

Миллий қадриятларимизнинг тарбиявий таъсирини ошириш орқали мактабгача ёшдаги болаларда ушбу тушунчаларни такомиллаштиришнинг



назарий асосларини яратиш йоълида илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун талабидир. Чунки бугунги боғча боласи эртанги кунимизнинг эгасидир. Инсон маънавиятида энг қадрланадиган туйғулардан бири—бу миллий ғуур, ватанпарварлик ва миллий қадрият тушунчалариридир.

Миллий ғуур, миллий қадрият, ватанга эътиқод тоъғрисида соъз юритишдан олдин “ватан”, “миллий қадрият” ва “еътиқод” тушунчаларининг мазмуни-моҳияти ҳақида тоълароқ тасаввурга эга боълмоқ даркор.

**Ватан** тушунчасининг илмий, педагогик, фалсафий, бадиий, жиҳатларига тоъхталаудиган боълсак, 1981-йилда нашр этилган “Оъзбек тилининг изоҳли луғати” [84: 631-б.]да ватан тушунчасига қуидаги таъриф берилган: болалар туғилиб оъсан ва оъзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; болаларнинг туғилиб оъсан оълкаси, шахри ёки қишлоғи; турар жой, бошпана, маскан, уй сифатида талқин этилган.

Миллий истиқлонимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида “Ватан – саждагоҳимдир” [19; 179-б.], деган фикрни баён қиласди. Чиндан ҳам, Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ боълмоғи керак. Биз она Оъзбекистон истиқлонини, унинг шаън-у шавкатини қандай ҳимоя этишни отабоболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор. Зоро улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос боълиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Оъзбекистон миллий энциклопедиясида эса, Ватан тушунчасига шундай таъриф келтирилади: “Ватан–инсоннинг туғилиб ўсан жойи, юрти, мамлакати; тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, оъзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуйи” [84: 631-б.]. Ватан она каби муқаддас. Ватан олдидаги қарздорлик туйғуси, масъулияти ҳар бир етук инсонга хос хусусиятдир. Ватанни севиш миллий қадриятда намоён боълади.

Дарҳақиқат, Ватан биргина болаларнинг мулки эмас, у оътиб кетган аждодларимизнинг юрти, оъсиб-улгаяётган фарзандларимизнинг юрти, келажакда дунёга келадиган авлодларнинг мулки – Ватан шу юртда яшаб турган ҳар-биримизнинг мулкимиздир. Демак, эр юзида миллат учун Ватан мавжуд экан, бу мулкни асраб авайламоқ даркордир.

Ватан қандай туйғу эканлигини Олмонияда яшовчи Ватандошимиз Исмоил Минҳожининг Ватан дея чеккан изтиробларини ёзган мактубида



коъришимиз мумкин: “Инсон қайерда боълмасин, қорин тўйдириш учун бир парча нон кифоя. Лекин Ватаннинг оърнини ҳеч нарса боса олмайди! Чет элларда юрган одамга ана шу азиз ватан етишмайди! Бундай одам руҳан эзилган боълади, уни ҳеч нарса қизиқтирмайди ва коънглини ҳеч нарса коттара олмайди. Инсон элидан, ҳалқидан айрилса, тирик мурдага айланади. Бу ҳақ гап. Одам боласини руҳан коттарувчи, қоъллаб-қувватловчи ватан экан. Зотан баҳт ватандадир. Юнон афсонасида туғёнидан айрилган от жафо чеккани каби инсон ҳам элидан айрилса, ундан беш баттар ҳолга тушади. Бизнинг жисмимиз чет элларда-ю, лекин юракларимиз Ватанда, қалбимизда Ватан меҳри соънгани йоъқ” [64; 98-б.].

Юқоридаги дил соъзларидан коъриниб, турибдики, Ватан айри қилиб бўлмас ҳис-туйғу, унинг қадрига биздан коъра коъпроқ мусофириликда яшаётган ватандошларимиз етишса ажаб эмас. Бугун дунёдаги қатор мамлакатларда бўлаётган урушлар минглаб инсонларни ёстигини қуритмоқда. Бир неча хафта олдин Фаластин юртида бошланган уруш миллат вакилларини ўз ватани, ўз ери учун курашишга даъват этгани бежиз эмас. ҳалқ ўз ватанини асраш учун қўлига қурол олди. Ҳар бир инсон ўз ватанини юракдан севиши керак.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни умуминсоний қадриятлар асосида унинг моҳиятини тушуниб етиш керак [68; 2-б.]. Соънгти йилларда олиб борилаётган юксалишлар натижасида таълим тизимида бир қатор ижобий оъзгиришлар, янгиланишлар олиб борилмоқда, Ўзбеклигимизни, оъз миллий ғурур ва миллий қадриятларимизнинг замонавий таълим жараёнига сингдирилиши кузатилмоқда.

Шунингдек, мустақилликдан кейинги оън йилликлар ичida мактабгача таълим ёшидаги болалар учун мукаммал шароитлар яратилдики, бунга юртимизда қад коътараётган замонавий мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблари замонавий технологиялар билан жиҳозланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Шулардан аждодларимиз қолдирган маданий мерос ва оъзбек ҳалқ педагогикасида барча даврлар учун керак боъладиган ажойиб, илғор фикрлар борки, бу фикрлар бугунги тараққиётимиз учун қимматли қадрият эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Улугбек, Али Қушчи, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат қабиларнинг миллатимиз, юртимиз тараққиётига қоъшган хизматлари катта эканлигини таъкидлаб оътмоқ жоиз. Шунингдек, собиқ Совет тузуми даврида ҳалқимизнинг



қадрсизлантирилиб юборилган инсонпарвар ғоялари, маънавий, миллий қадриятлари ва уларнинг афзаликларини оърганиб чиқиш давр талаб этадиган асосий масалалардан бирига айланди.

Мактабгача ёшдаги болаларда миллий қадрият тушунчаларини ривожланиш марказлари фаолиятларида такомиллаштиришни педагогик илмий муаммо сифатида таҳлил этар эканмиз, энг аввало, мұқаддас китобларимизнинг асрлар давомида инсонларни покликка, илм әгаллашга, меҳнатсеварликка, табиатни асраш каби инсонпарварлик ғояларига даъват этиб келгандыкка гувоҳ боъламиз. Бу битикда Ватанни севиш, оъзлари яшаб турган заминни асрлаб-авайлаш, она заминга эътиборли бўлиш, миллий қадрият, Ватанга эътиқод ҳақидаги ғоялар ҳам мавжудки, шубҳасиз, бу ғоялар мактабга тайёрлов ёшдаги болаларни миллий қадрият тушунчаларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, оъзбек халқи миллий, маънавий қадриятлар ва ахлоқ-одобга бағищланган маҳсус теран таълимотларнинг меросхоъридир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойик” асарлари, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурҳонуддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя” [77; 326-б.], Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” [36;20-б.] номли одоб-ахлоқ меъёrlарини батафсил ёритиб берган асарлари бугунги кунда ҳам оъз аҳамиятини, долзарблигини йоъқотмаган. Б.Зиёмуҳаммадов оъзининг “Комилликка элтувчи китоб” [29; 73-б.] асарида “Қадрият” соъзига қуйидагича таъриф беради: “Моддий қадриятлар – болаларлар моддий эҳтиёжларини қондириб, оъзига хос хусусияти ва шаклларига коъра одамларда алоҳида ҳисстуйғу уйғотувчи моддий нарсаларга айтилади” [29; 73-б.]. Уларга буюк иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, антиқа уй-роъзгор буюмлари, тарихий қимматга эга боълган уй анжомлари, қурол-яроғ, озиқ-овқат, шахсий буюмлар ва шунга оъхаш нарсалар киради.

Сафо Очил оъзининг “Мустақиллик ва тарбия масалалари” [51; 5-6-б.] номли рисоласида “Миллий қадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган удумлар: Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Навроъз, уруғ-дон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тоъйи, суннат тоъйи, оъғил уйлантириш ва қиз чиқариш билан боғлиқ тоъйлар, уй-жой тоъйи, қазо билан боғлиқ турли маъракамаросимлар, шунингдек, халқнинг турли хил анъаналари – ҳашар, отоналарга ҳурмат, болаларга иззат, қарияларга муруват, дастурхон одоби, меҳмонда бўлиш, меҳмон кутиш одоби, миллий одоб-ахлоқ меъёrlарига амал



қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қадрига етиш, вафот этганлар қабрини зиёрат қилиш, халққа муҳаббат, Ватанни севиш ва ардоқлаш, аскарликка оъз ихтиёри билан бориш, байналмилалчи боълиш, мулоийимлик ҳамда ширинаханлик ва шу кабиларни оъз ичига қамраб олади” [51; 5–6-б.].

Мамлакатимизда бугунги глобаллашув жараёнида болаларни миллий қадриятлар асосида интеллекти юқори ва ватанпарвар қилиб тарбиялашга катта аҳамият қаратилмоқда. Абдурауф Фитрат оъзининг “Оила” номли асарида болаларни “диққатлари ва зеҳнлари чуқур ва жиддий боълишига оъргатинг.... Коърганлари устидан тез хулоса чиқармасинлар” [21], – дея таъкидлаб, фарзанд тарбиясига эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Оъзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг қомусий ҳужжати боълиб, бу ҳужжат таҳлил қилинганида унда болалар тарбияси, ахлоқ-одоби, ижтимоий ҳимоялангани, конституциявий ҳақ-хуқуқларига оид етмишга яқин атама ва соъз бирликларни мавжуд экани маълум боълди. Жумладан, бунёдкорлик ғояларига содиқлик, юксак масъулият, ижтимоий адолатпарварлик, инсонпарварлик, демократик-хуқуқий давлат, фуқароларнинг тинчлиги, ижод эркинлиги ва ҳар бир шахснинг маданий ютуқлардан фойдаланиш эркинлиги, ёш авлодни тарбиялаш ва бепул таълим олиши каби фикрлар келтирилган боълиб, улар Баш Қомусимизда хуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Одоб-ахлоқ миллий қадриятларимизнинг таркибий қисмидир. “Давлат оъз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини көзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” [1]. Дарҳақиқат, ёш авлодни қонунийлик принциплари асосида оъз халқига, унинг қадриятларига, анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали оъз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, оъз Ватанининг жонқуярини тарбиялаш долзарбdir. Биламизки, болалар ижтимоий гуруҳ сифатида, оъзи көзлаган мақсади йоълида мамлакатдаги ижтимоий тизим ривожига бевосита фаол таъсир коърсатади. Болаларнинг ижтимоий ривожланишини уларнинг маънавий савияси даражаси орқали аниқласа боълади. Болаларнинг маънавий қарашлари миллий, диний, оъз-оъзини англаш ҳолатлари, талаблари, ҳаётдаги фаолияти орқали оъз аксини ифода этади.

Мактабгача таълим ёш даврида болаларга бериладиган маънавий-ахлоқий тарбия бевосита М.Кошғарий, У.Кайковус, А.Н.Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби Шарқ



мутафаккирларимизнинг нодир асарларида келтирилган маънавий манбалар, халқ тилидан ёзиб олинган алла, эртак, мақол, топишмоқларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналари орқали сингдирилади.

Қадриятларнинг моҳияти, мазмуни намоён боълиш шакллари билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Болаларлар қадим замонларданоқ оъзларини оъраб турган олам, ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар, одамлар оъртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларнинг қадри тоъгрисида фикр юритганлар. Замонлар оътиши, жамият ривожи давомида бу борадаги муаммолар коъпайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган. Қадриятлар мавзуси бир қатор дунёқарашлар асосида ётган, уларнинг марказий қисмини ташкил қилган

Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, достонларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида коъпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Спетамен, Алпомиш, Тоъмарис ва Широқ тоъгрисидаги достонларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик руҳи бадиий тасвирланган. “Бу достонларни қадимги юнонларнинг “Илиада” ва “Одиссея” достонлари билан қиёслаш мумкин” [35; 276-б.],

1. Қадимги одамлар борлиқ тоъгрисида оъйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки достонлар соъйлаганларида оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни, мақсади ҳамда ботирлик, оқиллик, хокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, ҳатто уларнинг баъзиларини илоҳийлаштирганлар. Қадриятлар мавзуси диний дунёқарашлар ва уларнинг энг қадимги шаклларида ҳам оъз аксини топган, ҳар бир дин оъзига хос илоҳий қадриятлар тизимиға эга. Улар бир-бирларидан ана шу динларининг асосий китоблари Қуръон, Инжил, Веда, Упанишад ва бошқаларда муайян илоҳий қадрият тизимлари оъз ифодасини топган. Динларнинг тарихий шакллари такомиллашиб боргани сари, улардаги қадриятлар тизими ҳам янги қирраларини намоён қилиб бораверган.

Қадриятлар муаммоси Абу Али ибн Синонинг (980–1037) ҳам диққат марказида турган. Олим асарларининг катта қисми фалсафий муаммоларга бағищлаб ёзилган, афсуски, уларнинг коъпчилиги (масалан, “Адолат” номли фалсафий энциклопедияси, “Шарқ фалсафаси”, “Яхши иш ва гуноҳ” асарлари)



бизгача етиб келмаган. Қадриятлар муаммоси ибн Синонинг “Донишнома”, “Соломон ва Ибсол” [69; 5-б.] каби бизгача етиб келган асарларида ҳам оъз ифодасини топган. Унинг назарида оъз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни оъраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан унинг қадри бекиёс, инсон эса ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан оъзига даво топади. Ибн Сино инсон, уни оъз-оъзини идора қилиши ҳақидаги фанларнинг аҳамиятини тоъғри таъкидлайди. Афсуски, Шарқ фалсафасида асосий мавзулардан бири боълган бу йоъналишдаги фанларга сабиқ совет даврида етарли эътибор берилмади, ҳолбуки, бу борада яхлит “Инсоншунослик” [34; 276-б.] фанини ривожлантириш зарурияти аллақачон етилган эди. Ибн Сино маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамиятига ҳам катта эътибор берган. Унингча, одамнинг қадри бошқалар билан ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга боълишга интилиши, донологи, бошқаларга яхшилик қила олишидадир.

Қадриятлар муаммосининг юртимизга тегишли фалсафий-тарихий таҳлили Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синолар мероси билангина чегараланиб қолмайди. Унинг Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий каби забардаст намоёндалари боълган тасаввуф таълимотига ҳам тоъғридан тоъғри алоқаси бор. Шу билан бирга жаҳон маданиятига бебаҳо дурдоналар қоъшган Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий каби алломаларнинг бу борадаги қарашларини тилга олмай боъладими? Уларнинг бутун жаҳонга машғур боълган “Саодатнома”, “Гулистон” ва “Боъстон”, “Баҳористон”, “Хамса” [66; 182-б.] каби маънавий қадриятларимизнинг тамал тошларини қоъйган асарларининг ҳар бирига алоҳида тадқиқотларни бағишилаш мумкин.

Машҳур алломаларимиздан Форобий “Ёртаклар орқали болалар илк бор ватан, доъстлик, сахийлик,adolat, меҳнатсеварлик ҳақида тушунчага эга боъладилар ва ватанининг чинакам фидоийсига айланадилар”, деган фикрни илгари суради: “Болаликдан ватан, халқ, доъстлик, меҳнатсеварлик туйғуси қон-қонига илк бор эртаклар орқали сингган болалар, кейинчалик вояга етгач, ҳақиқат дан ҳам, она юртининг чинакам фидоий фуқароси, доъстлик, биродарликнинг қадрига етувчи, меҳнат мөъжизаларини яратувчи, хулқатворда юксакликка көтарилилган, қудратли ва бағри кенг халққа айланади...” [39; 395-б.].

Оъзбек халқ эртакларининг асосий йоъналишини ватангэ эътиқод, ҳақиқат, жасурлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, сахийлик, ҳурмат-эътибор,



ор-номус, садоқат ва вафо каби ахлоқий қадриятларимиз ташкил қиласы. Эртакларнинг асосида халқнинг орзу-умидлари, порлоқ келажак ҳақидаги ўйлари, ташвишлари, қайғу-аламлари, дар-ду ҳасратлари ҳамда таълимтарбия, баркамол инсон ҳақидаги ғоялари ётади. Эртаклар мажозий, фантастик ва ҳаётий уйдирмалар асосида тингловчига етказилади. Айникса, мактабга тайёрлов ёшидаги болалар мажозий эртакларни хуш көрьиб тинглайдилар. Уларда воқеа ҳодисалар ҳайвонлар иштирокида очиб берилади.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ватан тушунчасини она юрт, оърин, туғилиб оъсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатган.

Навоий асарларининг оълмаслиги унинг халқчиллигидадир, шунинг учун у бугунги кунда ҳанузгача бизга ас қотиб келмоқда. Унинг панд-насиҳатлари асрлар давомида авлодларни диёнатга,adolatga, меҳнатсеварликка, Ватанга эътиқодли бўлишга чорлайди. Алишер Навоий оъзининг бутун ҳаёти давомида оъз Ватанининг гуллаб-яшнаши, халқининг фаровон турмуш кечиришини истаб, қўлидан келган барча саъй-ҳаракатларини аямади. У бутун ҳаёти давомида халқ ғами, халқ дарди билан бирга яшади, ижод килди. Шоир ватанини ҳар нарсадан устун қоъяр экан, инсон оъзи туғилиб оъсган ватанини барча нарсадан улуғлашини ушбу мисралар орқали ифодалайди:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулга тикондек ошён боълмас эмиш.

Шоир бу бадиий ифодада булбул образи оъхшатмасидан фойдаланади. Яъни, булбулнинг ватани чаманзор, гулзордир. Шу чаманзордагина у баҳтли яшай олади. Агар олтин қафас ичида қизил гул оъстириб, булбулни ватандан йироқда, яъни олтин қафас ичида асрасалар ҳам булбул шоир айтганидек, шодмон бўла олмайди. Демак, инсон ҳам булбул каби оъз ватанида, озодлиги ва эрки қоълида боълганидагина баҳтиёр яшайди.

Ватан соғинчи, мусоғирлик дардида куйиб ёнган, буюк аждодларимиздан бири шоҳ ва шоир Мирзо Бобурдир. Бобур рубойиларида нола, аламли фарёд, она юртидан олисда ғурбат азобларини тортган болаларнинг соғинч изтиробларидан дарак беради:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда , киши  
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатда киши.  
Коънглим бу ғарифликда шод оълмади, ох,  
Гурбатда севинмас эмиш, албатта киши.



Бобур асарларини оъқийдиган боълсак, унда ҳаётга, ватанга бўлган муҳаббатнинг ифодасини көришимиз мумкин. Инсонпарвар шоир доимо инсон ва унинг эркини, муҳаббат ва садоқатни қўйлади, илм-маърифатни халқ орасида ёйишни тарғиб қилди. Шундай экан, мактабга тайёрлов ёшидаги болаларда миллий қадрият тушунчаларини шакллантириш педагогик фаолиятнинг асосий вазифасидир.

Ҳар бир фарзанд яхшиликларни қабул қилувчи, оппоқ қофоз каби соф қалб билан дунёга келади. Ана шу софликни сақлаш, уни шакллантириш ва турли хил ғайриинсоний хулқлардан ҳамда динимизга, эътиқодимизга ёт боълган турли ғоялардан асраш ота-онанинг энг муҳим вазифасидир.

Ватан манфаати, қадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англалиса, мактабгача ёшдаги болаларда миллий қадрият туйғуси шунча баланд бўлади. Ҳар бир шахсдаги миллий қадрият туйғуси жамият таракқиёти билан узвий боғлиқ. Ҳақиқий миллий қадрият миллат, ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йоълида меҳнат қилиш ҳамда курашишдир”

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ubayevna, R. X. (2023). BATAREYKALAR VA ULARNING BOLA HAYOTIDAGI SALBIY TA'SIRI. Лучшие интеллектуальные исследования, 7(1), 83-88.
2. Ризаева, Х. У., & Искандаров, Н. Р. (2023). МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Лучшие интеллектуальные исследования, 7(1), 89-98.
3. Rizayeva, X. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISHDA OILA VA MAHALLANING ROLI. Science and innovation, 1(B8), 2165-2168.
4. Rizayeva, X. U. (2022). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARINING KUNDALIK TA'LIMIY FAOLIYATI DAVOMIDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI BOLA ONGIGA SINGDIRILISH DARAJASI. THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(4), 129-134.
5. Расулхожаева, М. А. (2012). Роль воспитателей в формировании нравственных качеств у детей старшего дошкольного возраста посредством знакомства с животным миром. Молодой ученый, (7), 314-316.
6. Расулходжаева, М. А. (2022). КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА ДОШКОЛЬНОЙ



ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ. Национальная ассоциация ученых, (80), 30-32.

7. Rasulkhujaeva, M. A. (2019). Educator's Role in Forming Moral Qualities Senior Preschool Age Children by Introducing Animal World. Eastern European Scientific Journal, (1).
8. Ширбачеева, Г. Ш. (2020). Качество работы дошкольной образовательной организации зависит от руководителя. *Управление дошкольным образовательным учреждением*, (2), 46-51.
9. Ширбачеева, Г. Ш. (2021). УПРАВЛЕНЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ РУКОВОДИТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ В СФЕРЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ АДАПТАЦИИ НАЧИНАЮЩИХ ПЕДАГОГОВ. In *Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст* (pp. 303-308).
10. Ширбачеева, Г. Ш. (2019). К проблеме качества образования в дошкольном учреждении. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY* (pp. 33-39).
11. Ширбачеева, Г. Ш., & Халилова, Г. В. (2020). Педагогическое мастерство воспитателя. *Управление дошкольным образовательным учреждением*, (5), 74-79.
12. Ширбачеева, Г. Ш. (2019). Роль руководителя в адаптации новых сотрудников дошкольного образовательного учреждения. In *Актуальные проблемы современного образования: опыт и инновации* (pp. 88-89).\\